

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
SAMARQAND DAVLAT CHET TILLAR INSTITUTI**

**MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY SPECIALIZED
EDUCATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN
SAMARKAND STATE INSTITUTE OF FOREIGN LANGUAGES**

**XORIIY TILLARNI O'RGATISHDA ZAMONAVIY
O'QITISH METODIKASI: MUAMMOLAR VA
YECHIMLAR**

**XALQARO ILMIY-AMALIY ANJUMAN
MATERIALLARI**

17-18-may, 2022-yil

**MODERN TEACHING METHODS IN TEACHING
FOREIGN LANGUAGES: PROBLEMS AND
SOLUTIONS**

**INTERNATIONAL SCIENTIFIC-PRACTICAL CONFERENCE
MATERIALS**

17-18-may, 2022

Samarqand - 2022

Holikova L. F. Using the case method in primary schools	243
Vasiyeva Sh., Kholiqova L. F. Ways of using modern pedagogical technologies in the classroom in primary school.....	244
Xoliqova L. F. Loyihaviy ta'lim yondashuvining falsafiy asoslari.....	245
Расулова Ш. Концепт терминининг илмий назарий таҳлили.....	249
Dilmurodova M. N., Boltakulova G.F. Comparative analysis of temporal syntaxemes	251
Yarqulova D. M. Paradigmatics of adverbial modifier of time in English and Uzbek languages	252
Boyqobilova Z. N. Using new pedagogical technologies in primary school.....	254
Abdullayeva Z. Dunyo lingvistik manzarasi markazida madaniyat fenomenining antropologik tamoyili.....	255
Giyasova D. Kh. Goal setting is an integral part of assessment.....	257
Sakhibova Z.Z. Analysis of the effectiveness of the usage of methods of teaching English language in primary schools	259
Джумабаева Ж.Ш. Инглиз ва ўзбек тилларида кўшма гаплар тарихига бир назар.....	261
Xudoyqulov Sh. N. Xitoy tilida neologizmlarning o'rni	263

IV - SHO'BA

MASOFAVIY TA'LIMGA XORIJIY TILNI O'QITISHNING INNOVATSION METODLARINI TATBIQ QILISH

Файбуллаев О. М. IX-XII асрларда Марказий Осиёда шахс эстетик маданиятининг шаклланиши...	266
Файбуллаев О. М. Қадимги Марказий Осиё замида тил ва адабиётнинг ривожланиши	268
Нажиева С. Н. Кредит-модуль тизимида дидактик ёндашув.....	271
Dr.Christo Ananth, Narzikulova R. The role of google classroom in distance education and independent study.....	273
Ихтияров М. Р. Ўзбекистонда теледастурларни шакллантириш масалалари.....	275
Юсупова З. К. Место и роль дистанционного обучения в процессе преподавания английскому языку	277
Normahmatov O. S. New form of teaching – education via webinar technologies	280
Ихтияров М. Ўзбекистонда жамотчилик фикрини шакллантиришда телевидениенинг ўрни	281
Abdullayev A. A. Using multimedia apps in teaching to young learners	284
Ergashev M. B., Abdusamatova N. B. Ikkinchi til sifatida ingliz tilida yozib tushunish ko'nikmasini o'zlashtirishda axborot kommunikatsion texnologiyalarning qo'llanilishi va ahamiyati.....	286
Бозоров О. Ч. Эпистоляр романда бадий хронотоп	288
Бурхонов М. Туронликларнинг маданияти жаҳон цивилизацияси олдидаги хизматларининг қиссий таҳлили.....	290
Бегматова Д. М., Петрусевиц А. А. Касбий ижтимоийлашувда оиланинг ижтимоий институт сифатидаги функциялари.....	294
Amirkulova D. Z. The role of the classroom management in the lesson.....	296
Gafforov B. Chet tilini o'qitishning pedagogik-psixologik xususiyatlari	298
Hotamova M. F. Qo'shma gaplarning lisoniy-nazariy masalalari.....	300
Назарова Н. Б. Эртак жанрининг миллий-маданий хусусиятлари	301
Акрамова Т. Специфика функционирования пейзажных описаний в готических рассказах Э.А. По (на материале рассказа «Падение дома Ашероу»)	303
Shodmonova S. Sh., Balyasnikova M. A. The role of punctuation in Emily Dickinson's poems	306
Мирзохонова М. М. Формирование и развитие мотивированного интереса на практических занятиях по русскому языку у студентов неязыковых вузов.....	308
Узакова Л. А. Алишер Навоий асарларида “одил подшоҳ” талқини	311
Zubaydova N. Gradualism in teaching English.....	312
Муратова М. Ўтган замон муносабати парадигмаси	314
Atoeva K. The emergence of sufi literature-tazkir in persian-tajik literature	316
Abdovakhabova U. Peculiarities of interpreting literary text.....	317
Ансори Муаззам Кудратзода, Сандов А. И. Ўрта Осиё оилаларида соғлом турмуш тарзи психологиясини шакллантиришни ижтимоий психологик хусусиятлари	320
Исомиддинов Й. Ю. Абдурауф Фитрат меросининг ахлокий аҳамияти.....	321
Джураев Х. Х. Дастлабки араб хат турлари, услублари ва хатларни кашф этган хаттотлар тарихи	323
Бурхонов М. И. Марказий Осиё халқлари маданияти ўртасидаги алоқаларни қиссий таҳлил қилиш	325
Shukurova F. X. Ingliz va o'zbek tillarida “soch” konseptining lingvomadaniy o'ziga xosliklari.....	327

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Yunus Ortiqovich Kholikov Moral aspects of national ethnic in bringing up young generation with generosity. Theoretical&AppliedScience, - 2019. P. 18-21. DOI: 10.15863/TAS.2019.07.75.5
2. Улуғмуродов Элёр Сайдуллоевич, Диний кадриятлар ва тасвирий санъат интеграциясининг ёшлар эстетик тафаккурига таъсири, "Oriental Art and Culture" Scientific-Methodical Journal - (SI) II/ 2020.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти. Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. "Халқ сўзи" газетаси, 2017 йил 23 декабрь, 2 бет.
4. Otabek Mukhammadievich G'aybullaev. Reflection of the development of aesthetic culture in uzbekistan in national and universal values. International journal of philosophical studies and social sciences. 2021 y. 23 b.
5. Kholikov YunusOrtikovich Ethical foundations for the development of a culture of tolerance in youth. Philosophical Readings XIII.4 (2021), pp. 112-117.<https://zenodo.org/record/4751681#.YLi0HqgzaUl>
6. Xoliqov Yunus Ortiqovich Millatlararo bag'rikenglik madaniyati insonparvarlik va tinchlikning asosiy tamoyili sifatida. Eurasian journal of academic research. – 2021. B. 420-425. <https://doi.org/10.5281/zenodo.5812886>
7. Kholikov Yunus OrtikovichIssues of education of youth on the ethical basis of international culture and tolerance at the age of globalization. Philosophical Readings XIII.4 (2021), pp. 1917-1922.<https://zenodo.org/record/5564700#.YadXtdBByUk>

КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИГА ДИДАКТИК ЁНДАШУВ

С. Н. Нажнева

*СамДЧТИ Педагогика ва психология
кафедраси ўқитувчиси*

Аннотация: Ушбу мақолада ўқув жараёнида мустақил таълим олишнинг аҳамияти орттиши ва бу келажакда бўлғуси мутахассисларнинг мустақиллиги, ижодий ташаббускорлиги ҳамда фаоллигини оширишга олиб келиши. Кредит-модуль тизимида университет, институт талабалари ҳар доим ўқитувчи ва қурсдошларидан ёрдам ҳамда маслаҳат олиш имкониятига эга бўлади. Бу эса ўзаро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлайди ва жамоада ишлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилиши ҳақида фикрлар баён этилган.

Калим сўз: Таълим, тизим, кредит-модуль, билим, дарс, ўқув, муассаса, ўқитувчи, маҳорат, қизиқиш, ижод, кадр, қобилият, талаба.

Кредит-модуль тизими аниқ эҳтиёжлар асосида пайдо бўлган. Энг аввало у олий таълим ўқув дастурларига эркинлик олиб кириш, ўқув дастурларига танлов фанларини кириб келиши билан чамбарчас боғлиқ. Бундан ташқари кредит-модуль тизими олий таълим ўқув дастурларини "юқоридан пастга" қараб эмас балки "пастдан юқорига қараб" яъни замон, меҳнат бозори ва талабалар эҳтиёжлари асосида шакллантириш эҳтиёжлари асосида юзага келган.

Кредит-модуль тизими қолаверса мамлакат олий таълим муассасаларини мамлакатдан ташқаридаги университетлар билан алоқаларини яхшилаш, мамлакат университетларини халқаро майдонда эътироф этилишига эришиш эҳтиёжлари асосида шаклланган. ECTS кредит-модуль тизимининг ҳозирги кундаги энг асосий вазифалари бу ОТМ ўқув дастурларига эркинлик, мослашувчанлик, шаффофлик ва талабага йўналтирилган таълимни олиб кириш.

Танлов фанлари миқдори қурсдан-курсага кўпайиб бориши зарур. Чунки талаба қурсдан-курсага ўтган сари, мутахассис сифатида шаклланиб ва унда мустақил қарор қабул қилиш қобилияти ҳам юксалиб боради. ОТМлар аста-секинлик билан талабларга ўз факультетларидан ташқарида, яъни бошқа факультетлардан ҳам танлов фанлари олишга имконият яратишлари зарур. Танлов фанлари амалиёти нафакат талабалар ўзлари хоҳлаган йўналиш бўйича чуқурроқ билим олишга имконият яратади, балки ОТМ ўқув дастуридаги фанлар таркиби табиий равишда сараланиб боришига ҳам хизмат қилади. Чунки, талабалар қизиқиш ва эҳтиёжларига жавоб бермайдиган фанлар аста-секинлик билан дастурни тарқ этиб, фанлари рўйхатини иктисодиёт, давр талаблари ва талабалар қизиқишларига мос фанлар эгаллай бошлайди.

Ўқув жараёнида мустақил таълим олишнинг аҳамияти ортади ва бу келажакда бўлғуси мутахассисларнинг мустақиллиги, ижодий ташаббускорлиги ҳамда фаоллигини оширишга олиб келади. Кредит-модуль тизимида университет, институт талабалари ҳар доим ўқитувчи ва

курсдошларидан ёрдам ҳамда маслаҳат олиш имкониятига эга бўлади. Бу эса ўзаро ҳамжихатликни мустаҳкамлайди ва жамоада ишлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Кредит-модуль ўқитиш тизимига ўтиш олий ўқув юрти профессор-ўқитувчиларига бўлган мажбуриятни ҳамда талабни ҳам оширади.

Ўқитувчидан талабаларга нисбатан муайян ҳолатда турсагина педагогик таъсир кўрсатишни муваффақиятли амалга ошира олади. Мазкур ҳолат ўқувчилар билан муомала соҳасида ўқувчининг асосий йўл-йўриқдан иборат бўлиб, у ўқувчиларнинг психологик ёш хусусиятларига монанд бўлади. Турли ёшдаги ўқувчиларнинг муомаласига таъсир кўрсатиш субъекти бўлган педагог тутган йўл ва маҳоратни жуда муҳимдир. Талабалар жамоаси билан муомала кўпинча суҳбат, маъруза, ахборот шаклида бўлади. Биринчи навбатда суҳбатни қандай бошлаш, қандай қилиб дарҳол талабанинг гапларига болаларнинг диққатини торттиш, қизиқиши ҳақида гапириб ўтамиз. Бунда педагог суҳбат олиб бораётганда анча қисқа, лекин етарли аниқ қилиб очиб бериш вазифаси туради.

Ҳар қандай суҳбат талабаларни қизиқтира олиши лозим. Шунинг учун ҳақиқий педагог факат билимга эмас, сўзлашиш маданиятига ҳам эга бўлиши керак. Олий таълимда ўқиш жараёнида иккита асосий шахс ўқитувчи ва ўқувчи бўлади. Бу иккала шахснинг дарс жараёнида уларнинг бир-бири билан тўғри муносабатда бўлиши ўқувчи шахси шаклланишида таълим-тарбиявий эффекив таъсир кўрсатади. Юқорида айтганимиздек, ўқитувчи ўқувчининг психологик хусусиятини, қобилиятини ҳисобга олган ҳолда унга мурожаат етиш керак. Дарс жараёнида педагог ўқитувчи талабани пастга урмасликка ҳаракат қилиши, факат буйруқ, жерқиш орқали тарбияламаслиги керак.

Педагог ўзини талаба ҳуқуқларини мустақил англай билиши керак. Педагог факат билим берибгина қолмай, балки бошқаларнинг ва ўзининг ҳаёти учун маъсулиятни ҳис қиладиган шахсни фуқорони тарбиялаши керак. Бунда эса курашиш орқали, педагогик маҳорат, қобилият ҳамда муносабатлар орқали эришилади. Педагог ўз устида мустақил ишлаши, ўз касб маҳоратини такомиллаштиришга бўлган эҳтиёжи жамиятнинг олий мактаб, ўқитувчи, унинг шахсига нисбатан талаб ва эътиборининг ўсиши ёки таълим-тарбияга бўлган янгича ижтимоий эҳтиёжлар билан боғлиқ бўлади.

Ўқитувчининг меҳнатини илмий соҳада ташкил этиш. Ижод, ижодийлик, бунёдкорлик, яратувчанлик мураккаб руҳий жараён бўлиб у аввало, ўқитувчиларнинг фикрлаши дунёқараши, мустақил фаолият кўрсатиши, хотираси, диққати, иродаси билан чамбарчас боғлангандир. Ўқитувчи меҳнатини илмий ташкил этиш деганда, педагогик жараёни бошқариш учун педагогика, психология фанларининг энг сўнги ютуқларидан фойдаланган ҳолда ўз ишини ижодий ташкил этган ҳолда янгиликларни яратиш тушинилади. Ўқитувчи ўз устида мустақил ишлаши маҳорат ва ижодкорлигини оширади. Ўқитувчи ўз-ўзини тарбиялаши учун, аввало, ўзини атрофлича чуқур ўрганиши, ўз ичидаги ютуқ ва камчиликларни кўра олиши керак. Ўз-ўзини ўрганиши ва бошқа кишиарни ҳам англаши зарурдир. Педагогнинг вазифасифақат иродавий фазилятлар доирасини кўрсатиб бериш, уларнинг муҳим ахлоқий принциплари билан ички алоқасини очиб беришдан ташқари ўз иродасини ўзи тарбиялашга интилувчи ўқувчига ёрдам бериш, иродавий фазилятларни ривожлантиришнинг усулларидан кенг фойдаланишни талаб қилади. Бундан ташқари фан ўзига етарли миқдорда талабаларни жалб қила олиши учун ўқитувчи доимий равишда ўз устида ишлаши, талабалар учун фаннинг аҳамиятини сақлаб қолиши, дарсларнинг сифатини доимий равишда яхшилаб бориши зарур. Акс ҳолда ушбу фан ўқув дастуридан чиқиб кетиши ва натижада ўқитувчи ўз ишини йўқотиб қўйиши мумкин. Бу жараён дарслар сифатининг яхшиланишига хизмат қилади. Танлов фанлари амалиёти ривожланган давлатларда ўзини исботлаган амалиётдир. Улардаги фан тараққиёти, иктисодиёт даражаси, мутахассисларнинг салоҳияти таълимдаги айнан шу жиҳат билан боғлиқ бўлса ажаб эмас.

Таълим олиш ва таълим бериш бир-бири билан чамбарчас боғлиқ жараёнлардир. Унинг бир томонида талабалар турса, иккинчи томонида ўқитувчилар туради. Таълим муассасаси уларни бирлаштириб турувчи, жараёни ташкилий, техник ва молиявий жиҳатдан таъминлаб турувчи восита ҳолос. Шундай экан таълим жараёнини асосий иштрокчилари бу талабалар ва ўқитувчилардир. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, кредит-модуль тизими талабалар зиммасига мустақил ҳолда кўпроқ ўқиб изланишни ва сместрлар давомида кредитларни тўплашни талаб қилади. Буни англаган талаба ўз устада мустақил ҳолда кўп ўқиб ўрганади ва қутилган кредитни тўплайди ва самарадорликка, натижага эришади.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Атаева Н., Салаева М., Ҳасанов С., Умумий педагогика назарияси ва амалиёти асослари). Ўқув қўлланма. II китоб. Ҳ. Бобоевнинг умумий таҳрири асосида. –Т.: “Fan va texnologiya”, 2013, 860 бет.